

**АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.09.2020.Т.124.01  
РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ**

**ХАМДАМОВ БАХРОМ РАИМДЖОНОВИЧ**

**ISO 22000 ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ МЕНЕЖМЕНТ ТИЗИМИ  
СТАНДАРТИ ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА МАҲСУЛОТ СИФАТИНИ  
БОШҚАРИШ**

**05.02.04 – “Стандартлаштириш ва маҳсулотлар сифатини бошқариш”**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

**Хамдамов Бахром Раимджонович**

ISO 22000 Озиқ-овқат хавфсизлиги менежмент тизими стандарти  
талаблари асосида маҳсулот сифатини бошқариш ..... 3

**Хамдамов Бахром Раимджанович**

Управление качеством продукции на основе требований стандарт  
системы менеджмента безопасности пищевых продуктов ISO 22000 ..... 21

**Khamdamov Bakhrom Raimdjanovich**

Management quality of product based on the requirements of the ISO 22000  
food safety management system standart..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 43

**АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.09.2020.Т.124.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ**

**ХАМДАМОВ БАХРОМ РАИМДЖОНОВИЧ**

**ISO 22000 ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ МЕНЕЖМЕНТ ТИЗИМИ  
СТАНДАРТИ ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА МАҲСУЛОТ СИФАТИНИ  
БОШҚАРИШ**

**05.02.04 – “Стандартлаштириш ва маҳсулотлар сифатини бошқариш”**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Андижон – 2022**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2022.3.PhD/Т1441 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Андижон машинасозлик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз(резюме)) веб-саҳифанинг [www.webandmiedu.uz](http://www.webandmiedu.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали [www.ziyo.net](http://www.ziyo.net) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Муминов Нажмиддин Шамсиддинович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Джумабаев Алижон Бакишевич**  
техника фанлари доктори, профессор

**Утаев Карим Уразович**  
техника фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат техника университети**

Диссертация ҳимояси Андижон машинасозлик институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.09.2020.Т.124.01 рақамли Илмий Кенгашнинг 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 170119, Андижон шаҳри, Бобур шоҳқўчаси, 56. Тел: (99874) 223-47-18; факс: (99874) 223-43-67; e-mail: info@andmiedu.uz).

Диссертация билан Андижон машинасозлик институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 170119, Андижон шаҳри, Бобур шоҳқўчаси, 56. Тел:(99891) 612-30-06; факс:(99874) 223-43-67; e-mail: andmi-arm@umail.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**У.М. Турдалиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, техника фанлари доктори

**Х.У. Ақбаров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, техника фанлари номзоди, доцент

**К.З. Қосимов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,  
техника фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон миқёсида бугунги кунда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, озиқ-овқат маҳсулотларини сифати ва хавфсизлигини халқаро стандартлар талаблари даражасида бўлишига эришиш энг долзарб ва муҳим масалалардан бири ҳисобланади. “Дунё бўйлаб ҳар йили сифатсиз ва хавфли озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва истеъмоли натижасида 600 млн. юқумли касалликлар келиб чиқади ва 420 минг дан ортиқ кишининг ўлимига сабаб бўлмоқда. Айниқса, сифатсиз ва хавфли озиқ-овқат маҳсулотлари туфайли инсонлар ўлимининг 30 % қисми 5 ёшгача бўлган болалар орасида содир бўлиб”<sup>1</sup>, озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида “даладан - дастурхонгача” тамойили асосида барча бўғинларда озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги менежмент тизимларини жорий этишни тақазо этади. Шу жиҳатдан диссертация ишида озиқ-овқат хавфсизлиги менежмент тизимларини жорий этишнинг ҳозирги ҳолати муаммоларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва жорий этиш бўйича энг мақбул ечимларни тавсия этиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини самарали ташкил этиш, озиқ-овқат маҳсулотларини сифат ва хавфсизлигини халқаро стандартлар талаблари асосида баҳолашни йўлга қўйиш, бунда озиқ-овқат хавфсизлиги менежмент тизимларини жорий этиш, ундаги муаммолар ва ечимларига йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада озиқ-овқат ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, кадоқлаш, умумий овқатланиш ва озиқ-овқат маҳсулотлари сифат кўрсаткичларини яхшилашга хизмат қиладиган ҳамда озиқ-овқат саноати учун турли хилдаги жиҳоз ва ускуналар ишлаб чиқариш тармоқларида ISO 22000 серияли стандарт талабларини жорий этишни имконият ва шароитдан келиб чиққан ҳолда энг мақбул ечимларни тавсия этиш ҳисобига ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, маҳсулот сифати ва хавфсизлигини таъминлаш, ҳамда маҳсулот сифати ва хавфсизлигига таъсир этувчи салбий омилларни камайтириш йўллари жорий этиш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, ишлаб чиқаришга сифат менежмент тизимларини жорий этиш ва бу орқали маҳсулот экспорт кўлами ҳамда географиясини кенгайтириш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида, жумладан, “.....маҳсулотларни хорижий мамлакатларга тўсиқсиз ва муаммосиз экспортини амалга ошириш мақсадида, маҳсулот етиштирувчиларга халқаро сертификат ва стандартларни (Global G.A.P, Organic, HACCP ва бошқалар) кенг жорий этиш...”<sup>2</sup> бўйича зарур вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни

<sup>1</sup> <https://www.who.int/activities/estimating-the-burden-of-foodborne-diseases>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сонли Фармони

амалга оширишда озиқ-овқат саноати ишлаб чиқариш тизимида иштирок этувчи корхоналарда хавф-хатарлар таҳлили ва критик назорат нуқталар (НАССР – Hazards Analysis and Critical Control Points) тамойиллари асосида ISO 22000 халқаро стандартларини жорий этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 январдаги ПФ-5303-сон «Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 18 майдаги ПФ-5995-сон «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифат ва хавфсизлик кўрсаткичлари халқаро стандартларга мувофиқлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармонлари ва 2019 йил 29 июлдаги ПҚ-4406-сон «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2020 йил 9 сентябрдаги ПҚ-4821-сон «Республика озиқ-овқат саноатини жадал ривожлантириш ҳамда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлақонли таъминлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида», 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2021 йил 2 июндаги ПҚ-5133- сонли “Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги хузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» ва V «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишларига мос келади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Озиқ-овқат ишлаб чиқариш корхоналарида сифатни бошқариш, озиқ-овқат хавфсизлиги менежмент тизимларини шакллантириш, жорий этиш ҳамда жорий этишдаги илмий, услубий ва амалий масалалар билан боғлиқ муаммолар кўплаб хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан ўрганиб чиқилган. Хусусан, А.Б.Лисицын, И.М.Чернуха, Н.А.Горбунова, А.В.Куприянов, Пауло Сампаио, Ю.Тейлор, К.Эскансиано, М.Сантос-Вижанде, В.Л.Аршакуни, Н.С.Карпович, Л.Д.Бобровник, Н.И.Дунченко, Л.П.Бессонова ва бошқалар.

Юртимиз олимларидан Б.М.Ахмедов, Х.Т.Саломов, С.А.Абдурахимов, М.М.Вакиль, Д.С.Алматова, П.Р.Исматуллаев, А.А.Артиков, И.Р.Асқаров, Ғ.Ҳ.Ҳамрақулов, Н.Ш.Муминов, Г.И.Шайхова, Ш.А.Тўраев, А.Ш.Азизов ва бошқаларнинг илмий ишлари ва тадқиқотларида озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг ноанъанавий технологияларини

яратиш, ишлаб чиқариш жараёнлари ва жиҳозлари, озиқ-овқат кўшимчаларини қўллаш, ишлаб чиқариш корхоналарида сифат бошқаруви, озиқ-овқат хавфсизлигини бошқариш тизимларини жорий этиш, маҳсулот сифатини бошқариш, маҳсулот сифатига таъсир қилувчи омилларнинг умумий жиҳатлари, талаблари ва масалалари ўрганилган.

Мазкур тадқиқотлар натижасида ишлаб чиқариш корхоналари бошқаруви, сифат менежмент тизимлари муайян даражада ижобий натижаларга эришилган ҳолда қўлланилиб келинаётган бўлсада, юқоридаги илмий тадқиқотлардан фарқли равишда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнида “НАССР” тамойиллари асосида ISO 22000 стандартларини жорий этишдаги ҳозирги ривожланиш босқичдаги ҳолатдан келиб чиқиб, мавжуд муаммоларни тадқиқ қилиш ва муаммолар таҳлили асосида мақбул ечимлар ишлаб чиқиш ҳамда уларни жорий этиш муҳим бўлиб ҳисобланади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Олий ва Ўрта Махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 22 майдаги №295 сонли ва Андижон машинасозлик институтининг 2020 йил 26 майдаги №265 сонли буйруқларига асосан институт илмий-тадқиқот ишлар режасига мувофиқ “Andijon Broiler” МЧЖ корхонаси билан тузилган хўжалик шартномалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ISO 22000 озиқ-овқат хавфсизлиги менежмент тизимини жорий этиш муаммоларини таҳлил қилиш асосида маҳсулот сифати ва хавфсизлигини таъминлаш ва бошқариш тизимини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ISO 22000 стандарти талаблари асосида озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигини таъминлаш ва бошқаришнинг назарий асослари ва амалий жиҳатлари ҳамда хорижий тажрибалар асосида таҳлил қилиш;

республикада ISO 22000 озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги менежмент тизими стандартини жорий этишнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболдаги кўрсаткичларини илмий асослаш;

озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигини таъминлаш тизими талаблари асосида гўшт маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигини таъминлашнинг комплекс моделини ишлаб чиқиш;

“НАССР” режасини такомиллаштириш асосида бройлер товуқ гўштини қайта ишлаш технологик жараёнида тиндириш ва сақлаш вақтининг оптимал қийматини аниқлаш;

ISO 22000 озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги менежмент тизимини жорий қилиш бўйича дастурий таъминот ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ISO 22000 озиқ-овқат хавфсизлиги менежмент тизимларини жорий этиш фаолияти, ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнлари, маҳсулот сифати ва хавфсизлигини таъминлаш ва

бошқаришнинг норматив-техник ҳужжатлар тўплами олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** ISO 22000 озиқ-овқат хавфсизлиги менежмент тизимларини жорий этиш асосида маҳсулот сифатини бошқариш ва такомиллаштириш услубиёти, амалиёти, ташкилий ва илмий-техник хусусиятларининг дастурий тўплами ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот вазифаларини ечиш учун озиқ-овқат ишлаб чиқариш корхоналарининг сифат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш бўйича белгиланган чора-тадбирлар, ишлаб чиқариш жараёнлари таҳлили, башоратлаш учун чизиқли регрессия тенгламасини тузишда энг кичик квадратлар усули, ISO 22000 стандарти талаблари ва ўтказилган анкета-сўровномалар асосида таҳлил қилиш, жараёнли ёндашув ва комплекс стандартлаштириш усули, менежмент тизимини жорий этиш ва аудит ўтказишнинг рақамлаштирилган дастурий таъминоти, экспериментларни органолептик баҳолаш усулларидадан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ISO 22000 озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги менежмент тизими стандартини жорий этилиш ҳолати ва кўрсаткичлари билан боғлиқ стандартни жорий қилиш бўйича башоратлашнинг (прогноз) математик модели ишлаб чиқилган;

озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигини таъминлаш тизими талабларига мувофиқ гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологик жараёнлари, маҳсулот сифати ва хавфсизлигини таъминлашнинг комплекс модели ишлаб чиқилган;

маҳсулот сифати ва хавфсизлик кўрсаткичларини сақлаш учун “НАССР” режасини такомиллаштириш асосида бройлер товуқ гўштини қайта ишлаш технологик жараёнида тиндириш ва сақлаш вақтининг оптимал қиймати аниқланган;

ISO 22000 озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги менежмент тизимини жорий этиш ва аудит жараёнларига дастурий таъминот воситаларини қўллаш орқали самарадорлик кўрсаткичлари оширилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ишлаб чиқариш корхонасини бошқариш ҳамда маҳсулот сифати ва хавфсизлигини таъминлаш учун ISO 22000 халқаро стандарт талабларини ўз ичига олган 13 та Ts – ташкилот стандартлари ишлаб чиқилган;

озиқ-овқат хавфсизлиги менежмент тизимини жорий этишда хавфларни аниқлаш, баҳолаш ва чора-тадбирларни белгилаш мақсадида «Flow chart», «КНН аниқлаш матрицаси», «НАССР» назорат режаси ишлаб чиқилган;

ISO 22000 озиқ-овқат хавфсизлиги менежмент тизимини ишлаб чиқиш, жорий этиш ва тизимни сертификатлаштириш бўйича алгоритм ишлаб чиқилган;

ISO 22000 – Озиқ-овқат хавфсизлиги менежмент тизимларини самарали жорий этиш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, уларни сифат ва хавфсизлигини таъминлаш, халқаро талабларга асосланган озиқ-

овқат маҳсулотларини баҳолаш билан боғлиқ масалаларни ечиш мақсадида “AUDIT ISO 22000” дастурий таъминоти ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот мавзуси билан боғлиқ халқаро ва республика даражасидаги олимлар ва мутахассисларнинг олиб борган илмий-тадқиқот натижаларини ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиш, тадқиқот ва таҳлиллар жараёнида замонавий илмий-тадқиқот усуллари қўлланилганлиги, озиқ-овқат ишлаб чиқарувчилар ўртасида анкета-сўровномалар ўтказиш орқали мавжуд муаммоларни таҳлил қилиниши, тадқиқот ишининг назарий ва амалий жиҳатдан мос келиши, олинган илмий натижаларнинг амалиётда фойдаланилганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти озиқ-овқат хавфсизлиги менежмент тизими стандарти талаблари асосида маҳсулот сифатини бошқариш бўйича назорат режимлари аниқланганлиги ҳамда маҳсулот сифати ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича ишлаб чиқилган комплекс модел, менежмент тизимини сертификатлаштириш алгоритми ва дастурий таъминот воситаларидан бошқа шунга ўхшаш менежмент тизимларини тадқиқ этишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти озиқ-овқат менежмент тизими ва аудит жараёнига қўлланилган дастурий таъминот натижасида ISO 22000 озиқ-овқат хавфсизлиги менежмент тизимини жорий этиш фаолиятини унификацияланиши, бутун занжир кўрсаткичларини тўла қамраб олиши, аудит хисоботларини автоматик шакллантирилиши, меҳнат сарфи камайганлиги, уяли алоқа воситалари орқали бошқара олиш имконияти мавжудлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** ISO 22000 озиқ-овқат хавфсизлиги менежмент тизими стандарти талаблари асосида маҳсулот сифатини бошқариш бўйича олинган натижалар асосида:

ISO 22000 Озиқ-овқат хавфсизлиги менежмент тизимларини жорий этишдаги муаммоларни ечиш, тизимга талабларни жорий этилганлик ҳолатини текшириш ва олинган натижаларни корхона юқори раҳбариятига тез етказиш мақсадида аудит ўтказишнинг рақамлаштирилган дастурий таъминоти (AUDIT ISO 22000) ишлаб чиқилган ва ички аудит жараёнига тадбиқ этилган (Ўзбекистон озиқ-овқат саноат уюшмасининг 2022 йил 11 майдаги №11-60/05-22-сон маълумотномаси). Натижада аудит жараёнига сарфланган вақт 10-15 кундан 5-8 кунгача қисқартирилган, меҳнат сарфи харажатлари 30% га камайган;

ISO 22000:2018 стандарт бандлари талаблари асосида Ts-ташкilot стандартлари ишлаб чиқилди ва уни ишлаб чиқариш жараёнига тадбиқ этилди. Шунингдек, ишлаб чиқариш жараёни имкониятлари “Жараёнларни статистик бошқариш” ва “Ўлчаш тизими таҳлили” методларини қўллаш билан қайта кўриб чиқилди (Ўзбекистон озиқ-овқат саноат уюшмасининг

2022 йил 11 майдаги №11-60/05-22-сон маълумотномаси). Натижада маъмурий ҳаражатларни 0,3% га камайтиришга, нуқсон маҳсулотга кетган ҳаражатларни ўтган йилга нисбатан 11% га камайтиришга эришилган;

Диссертация тадқиқотлари илмий натижалари асосида тайёрланган материаллар “ILM STANDART ILMIY-TADQIQOT O`QUV MARKAZI” томонидан тармоқлар ва маҳаллий корхоналарнинг раҳбар ва мутахассис ходимлари учун ташкил этилган ўқув жараёнларини ўтказиш ва ўқитишда фойдаланилган (“ILM STANDART ILMIY-TADQIQOT O`QUV MARKAZI” МЧЖнинг 2022 йил 15 сентябрдаги №139-сон маълумотномаси).

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 2019 – 2022 йиллар давомида 7 та илмий анжуманларда, жумладан 5 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш, жумладан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола (7 та республика ва 1 та хорижий журналларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган, объекти ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва асосий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигини таъминлаш ва бошқаришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида озиқ-овқат маҳсулотлари турлари, уларнинг сифат ва хавфсизлик кўрсаткичлари, сифат ва хавфсизликни таъминлашда халқаро стандартларни ўрни, озиқ-овқат маҳсулотлари сифати, хавфсизлигини таъминлаш ва бошқариш тенденциялари, бугунги кунда озиқ-овқат сифат ва хавфсизлигини таъминлашда юртимизда олиб борилаётган ислохотлар ва ривожланган давлатларнинг тажрибалари назарий жиҳатдан ўрганилган.


Инсон организмининг ифлослантирувчи бегона моддаларнинг умумий миқдорини 100% деб олсак, шундан озиқ-овқат орқали 70%, сув орқали 10%, ҳаво орқали - 20% ни ташкил этади. Ушбу ҳолатда захарли моддаларнинг катта қисми озиқ-овқатдан келиб чиқади (1-расм).



### 1-расм. Инсон организмини ифлослантувчи бегона моддалар миқдорининг тақсимооти

Озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигини таъминлашда халқаро стандартларнинг ўрни ва аҳамияти ҳозирги кунда жуда муҳим ҳисобланади. Бугунги кунда озиқ-овқат саноати корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қуйидаги стандартлар асосидаги бошқариш тизимлари қўлланилмоқда: ISO 9001:2015 – “Сифатни менежмент тизимлари. Талаблар”, HACCP- “Критик нуқталар назорати ва хавфлар таҳлили”, GMP+ - “Муносиб ишлаб чиқариш амалиёти, тиббиёт ва ветеринарлик учун доривор воситалар ишлаб чиқариш ва сифат назорати талаблари”, ISO 22000:2018 – “Озуқа ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги менежмент тизимлари. Етказиш занжиридаги ҳар қандай ташкилотлари учун талаблар”, ISO 22005 – “Озуқа ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш занжирида кузатувчанлик. Умумий принциплар ва ҳамда тизимни лойиҳалаш ва жорий этишга асосий талаблар”, Global G.A.P. – “Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришда мужассамланган бошқарув тизими. IFA – интеграциялашган фермер хўжалиги кафолати, FSSC 22000 – “Food Safety System Certification/ Озиқ-овқат хавфсизлиги тизимини сертификатлаштириш” ва бошқалар.

Мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва уни мустаҳкамлаш борасида кенг қамровли ислохотлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон сўнгги йилларда бу соҳада сезиларли натижаларга эришиб келмоқда. Буни халқаро миқёсдаги глобал озиқ-овқат хавфсизлиги индексининг маълумотларидан ҳам билиш мумкин. Маълумки, Economist Impact журнали томонидан Глобал озиқ-овқат хавфсизлиги индекси (The Global Food Security Index) бўйича мамлакатларнинг рейтинги эълон қилиб борилади. 2021 йил натижаларига кўра, Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотларига иқтисодий мақбуллик (арзонлик) даражаси 49,3 %, мавжудлилик ва етарлилик даражаси 51,3 %, сифат ва хавфсизлик даражаси 65,1 %, ўртача индекс 53,8 % ни ташкил қилди. 2012 йилдаги баҳолашда эса бу кўрсаткичлар мос равишда 35,1 %, 44,9 %, 42,5% ва 40,8% ни ташкил этган. Кўриниб турибдики, ўтган 10 йил мобайнидан 13 % га ўсиш таъминланган (2-расм).



**2-расм. Ўзбекистоннинг глобал озиқ-овқат хавфсизлиги индекси бўйича 2012 йил ва 2021 йилдаги кўрсаткичлари**

Халқаро стандартлаштириш ташкилот (ISO) маълумотларига кўра, мамлакатимиздаги қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат корхоналарида халқаро даражада ISO 22000 халқаро озиқ-овқат хавфсизлиги менежмент тизимини жорий этилганлик кўрсаткичи сертификатлар сони 16 нафарни ташкил этиб, 195 та давлат ичида 96-ўринни қайд этмоқда. Бу кўрсаткич Хитойда 12929 та, Греция -2069 та, Хиндистон -1767 та, Япония – 1503 та, Италия – 929 та каби индексланмоқда. Бу кўрсаткичлар соҳада ҳали қилиниши лозим бўлган ишлар талайгина эканлигини кўрсатади.

Диссертациянинг “**ISO 22000 стандарти, талаблари ва жорий этилганлик таҳлили**” деб номланган иккинчи бобида ISO 22000 стандарти бўйича асосий тушунчалар ва талаблар, республикаимизда ISO 22000 стандарти талаблари асосида озиқ-овқат хавфсизлиги менежмент тизимларини жорий этилганлик таҳлили ҳамда ISO 22000 озиқ-овқат хавфсизлиги менежмент тизимини жорий этилишини прогнозлаш масалалари ёритилган.

ISO 22000 озиқ-овқат хавфсизлиги менежмент тизими стандартининг тарихи, тузилиши ва талаблари ўрганилиб, унинг қўлланиш доираси ташкилотнинг шакли ва ҳажмига боғлиқ эмаслиги кўрсатиб ўтилди. Ушбу стандарт асосан бевосита озиқ-овқат занжиридаги иштирокчи ташкилотлар ҳамда билвосита озиқ-овқат занжирига алоқадор бўлган ташкилотлар доирасида қўлланилади. ISO 22000 озиқ-овқат хавфсизлигини менежмент тизими стандартини жорий этиш жараёни асосан 6 та банддан иборат 30 дан зиёд махсус талабларни қамраб олади.

Ўрганишлар давомида ISO 22000 озиқ-овқат хавфсизлиги менежмент тизимининг жорий этиш даражаси Андижон вилояти мисолида таҳлил этилди. Хусусан, статистик маълумотлар ўрганилганда Андижон вилоятида озиқ-овқат ишлаб чиқарувчи ва озиқ-овқат соҳасида фаолият кўрсатувчи корхоналар бугунги кунда жами 288 тани ташкил этмоқда. Шундан, ISO 22000 озиқ-овқат хавфсизлиги менежмент тизимини жорий этган корхоналар улуши 23 таси ёки 7 %ни ташкил этмоқда.

Ушбу кўрсаткич ISO 22000 стандартини жорий этишда муаммолар мавжудлигини англатади. Шу нуқтаи назардан, муаммонинг туб моҳияти

илмий ёндашувлар ва амалиётчиларнинг тажрибалари орқали анкета сўровнома усулида таҳлил қилинди. Анкета сўровномалар таҳлили диаграммаларда шакллантирилди (3- ва 4-расмлар) ва муаммонинг туб моҳияти аниқланиб, ечиш усуллари ишлаб чиқилди.



**3-расм. Анкета-сўровноманинг 2-банди бўйича натижалар**



**4-расм. Анкета-сўровноманинг 3-банди бўйича натижалар**

Анкета – сўровномалар асосида менежмент тизимларини жорий этишдаги муаммоларнинг ечимини топиш нуқталари аниқланди ва соҳа мутахассислари томонидан корхона раҳбарлари учун турли тарғибот ишларини кучайтириш, имтиёзлар кўламини кенгайтириш ҳамда озиқ-овқат хавфсизлиги менежмент тизимини жорий этишни осонлаштирувчи, унификацияловчи дастурлар, методлар ва замонавий ахборот технологияларини жорий этиш лозимлиги тавсия этилди.

ISO 22000 стандартига асосланган озиқ-овқат хавфсизлиги менежмент тизимларини мамлакатимизда қай даражада жорий этилаётганлиги ва келажакда сертификатланиш миқдорий ҳолатларини қандай бўлишини тахмин қилиш энг кичик квадратлар усули тенгламаси бўйича прогнозлаш моделлари ишлаб чиқилган.

Энг кичик квадратлар усули ёрдамида чизикли бўлмаган параболик регрессия тенгламаси орқали прогнозлаш учун қуйидаги (1) математик тенгламадан фойдаланилган.

$$Y = a * x^2 + b * x + c \quad (1);$$

Ушбу функционал боғланишда  $a, b, c$  лар номаълум параметрлар бўлиб, номаълум параметрларни аниқлаш учун математик усуллардан бири энг кичик квадратлар усулини қўллаيمиз. Энг кичик квадратлар усули қуйидаги шартни ифодалайди:

$$f(x) = [\sum_{i=1}^n y_t - a * x_t^2 - b * x_t - c] - \min; \quad (2)$$

Номаълум параметрларни топиш учун (2) ифодадан  $a, b, c$  номаълумлар бўйича хусусий ҳосилалар олиниб, “0” га тенглаштирилади:

$$\begin{cases} f_a(x) = \frac{df}{da} = 0 & \text{яъни } \frac{df}{da} = 2 \sum_{t=1}^n [y_1 - ax_1^2 - bx_1 - c] * [-x_1^2] = 0 \\ f_b(x) = \frac{df}{db} = 0 & \frac{df}{db} = 2 \sum_{t=1}^n [y_1 - ax_1^2 - bx_1 - c] * [-x_1] = 0 \\ f_c(x) = \frac{df}{dc} = 0 & \frac{df}{dc} = 2 \sum_{t=1}^n [y_1 - ax_1^2 - bx_1 - c] * [-1] = 0 \end{cases} \quad (3)$$

(3)- амалдан фойдаланиб қуйидаги (4) – тенгламалар системасини ҳосил қилинади:

$$\begin{cases} \sum_{i=1}^n y_i x_i^2 = a \sum_{i=1}^n x_i^4 + b \sum_{i=1}^n x_i^3 + c \sum_{i=1}^n x_i^2 \\ \sum_{i=1}^n y_i x_i = a \sum_{i=1}^n x_i^3 + b \sum_{i=1}^n x_i^2 + c \sum_{i=1}^n x_i \\ \sum_{i=1}^n y_i = a \sum_{i=1}^n x_i^2 + b \sum_{i=1}^n x_i + \sum_{i=1}^n c \end{cases} \quad (4)$$

бу ерда:  $n$  – танланма ҳажми,  $X_i$  –  $i$ -қадамдаги кузатиш,  $Y_i$  –  $i$ -қадамдаги кузатишнинг қиймати.

**$\vec{Y}_i$  –  $Y_i$ -кузатишларнинг ўртача қийматини топиш жадвали**

1-жадвал

Йиллар	X	Натижалар	$X_i * Y_i$	$X_i^2$	$X_i^2$	$X_i^3$	$X_i^4$	$(Y_i - \vec{Y}_i)^2$	$(Y_i - \bar{Y})^2$	$\bar{Y}$
2011	1	4	4	4	1	1	1	24,24	492,03	26,18
2012	2	12	24	48	4	8	16	11,51	144	
2013	3	18	54	162	9	27	81	71,49	324	
2014	4	18	72	288	16	64	256	39,18	324	
2015	5	5	25	125	25	125	625	103,86	25	
2016	6	5	30	180	36	216	1296	222,00	25	
2017	7	29	203	1421	49	343	2401	9,83	841	
2018	8	36	288	2304	64	512	4096	8,49	1296	
2019	9	47	423	3807	81	729	6561	29,56	2209	
2020	10	62	620	6200	100	1000	10000	114,57	3844	
2021	11	52	572	6292	121	1331	14641	105,8	2704	
<b>ЖАМИ</b>	<b>66</b>	<b>288</b>	<b>2315</b>	<b>20831</b>	<b>506</b>	<b>4356</b>	<b>39974</b>	<b>740,58</b>	<b>12228,03</b>	

Ишончилилик коэффициенти эса (5) ифода билан ҳисобланади.

$$R^2 = 1 - \frac{\sum_{i=1}^n (Y_i - \vec{Y}_i)^2}{\sum_{i=1}^n (Y_i - \bar{Y})^2} \quad (5)$$

бу ерда:  $Y_i$  –  $i$ -қадамдаги кузатишнинг қиймати,  $\vec{Y}_i$  –  $i$ -қадамдаги (1) тенгламанинг қабул қиладиган қиймати,  $\bar{Y}$  –  $Y$ -кузатишларнинг ўртача қиймати.


Топилган қийматларни (1) чизикли бўлмаган параболик регрессия тенгламасига олиб келиб қўйилади. Натижада 2-жадвалдаги  $\vec{Y}_i$  қийматлар ҳосил бўлади.

## Келгуси йиллар учун башоратлаш жадвали

2-жадвал

Йиллар	X	ISO 22000 стандартини йиллар мобайнида жорий қилиниш натижаси (дона)	$\vec{Y}_i$
2011	1	4	8,92
2012	2	12	8,61
2013	3	18	9,54
2014	4	18	11,74
2015	5	5	15,19
2016	6	5	19,90
2017	7	29	25,86
2018	8	36	33,09
2019	9	47	41,56
2020	10	62	51,30
2021	11	52	62,29
2022	12		74,53
2023	13		88,04
2024	14		102,79
2025	15		118,81
2026	16		136,08
2027	17		154,61
2028	18		174,39
2029	19		195,44
2030	20		217,73

Дастлабки маълумотлар ва қийматлар асосида энг кичик квадратлар усули ёрдамида математик моделлаштириш амалиёти бўйича қуйидаги график (5-расм) ҳосил бўлди. ISO 22000 сертификати бўйича мавжуд маълумотларга асосланган ҳолда прогноزلash моделини энг кичик квадратлар усули бўйича ҳисоб-китобга кўра (5-расм), 2030 йилга бориб Ўзбекистонда ISO 22000 озиқ-овқат хавфсизлиги менежмент тизими асосида сертификат олувчи корхоналар сони тахминан 218 та бўлиши ёки эгри чизиқли ўсиш тенденцияси шаклланиши ва ушбу ҳолатнинг ишончлилик даражаси 94 % бўлиши башоратланган.




**5-расм. ISO 22000 сертификатланиш тенденциясининг келаси йиллар учун башорат графиги**

Диссертациянинг “Озиқ-овқат хавфсизлиги менежмент тизимини жорий этиш асосида маҳсулот сифатини бошқариш” деб номланган учинчи бобида озиқ-овқат хавфсизлиги менежмент тизимининг сифат ва хавфсизликни таъминлаш модели, хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотини режалаштириш амалиёти бўйича тадқиқотлар, шунингдек, тадқиқот натижалари асосида озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигини таъминлаш ва бошқаришни такомиллаштириш ҳамда иқтисодий самарадорлик ҳисоби масалалари келтирилган.

Бугунги кунда озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлашнинг замонавий ғояси – бу маҳсулот ишлаб чиқарилганидан кейин уни сифат ва хавфсизлигини таъминлаш чоралари эмас, балки маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёнида амалга оширилиши лозим. Шу нуқтаи назардан озиқ-овқат хавфсизлиги тизимларини жорий этиш бўйича халқаро ва миллий тажрибалар, ҳукуқий ҳужжатлар ва турли усуллар (5W, FMEA, Control Plan) асосида озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигини таъминлашнинг комплекс тизими ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижалари ва озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигини таъминлашнинг комплекс тизими асосида гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонаси мисолида маҳсулот сифати ва хавфсизлигини таъминлаш модели ишлаб чиқилди (6-расм).



**6-расм. Гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнини бошқаришда сифат ва хавфсизликни таъминлашнинг комплекс модели**

О'з Дст ISO 22000:2019 “Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги менежменти тизимлари-озиқ-овқат маҳсулотлари яратиш занжирида иштирок этувчи ташкилотларга қўйиладиган талаблар” давлат стандарти талабларига мувофиқ “Andijon Broyley” МЧЖ корхонаси учун ташкилот стандартлари ишлаб чиқилган ва жорий этилган. Мазкур жараёнларга кирувчи ва ундан кутилаётган талаблар, уларни кетма-кетлиги, ўзаро муносабатлари, фаолиятлар натижавийлигини таъминлаш ва уларни бошқариш учун зарур бўлган мезон, методлар ва ресурслар аниқлаш ҳамда

уларнинг мавжудлигини таъминлаш учун ISO 22000 озиқ-овқат хавфсизлиги менежмент тизими талаблари асосида қуйидаги ҳужжатлар ишлаб чиқилди (3–жадвал).

### ISO 22000 халқаро стандартини жорий қилишда ишлаб чиқилган ҳужжатлар

3-жадвал

Ҳужжат номи	Бандлар	Ҳужжат номи	Бандлар
Сифат ва хавфсизлик сиёсати	5.2	Ходимларни бошқариш	7.1.2, 7.1.6, 7.2, 7.3
Мақсадлар	6.2	Жараёнлар оқим картаси	8.1
Сифат қўлланмаси	4.3, 4.4, 9.3, 10	Мажбурий дастлабки тадбирлар дастури	8.2, 8.6, 8.7, 8.8
Идентификация ва кузатув тизими	10.1	Озиқ-овқат хавфсизлик тизимини бошқариш	4.4, 8.1, 10.3
Хавф ва имкониятлар таҳлили	6.1	Критик назорат нуқталарни бошқариш	8.5, 8.9
Мониторинг ва ўлчашлар	9.1	Жараёнларни статистик бошқариш-SPC	8.6, 9.1
Ҳужжатларни бошқариш	7.4, 7.5	Юзага келиши мумкин бўлган номувофиқликлар турлари ва оқибатлари таҳлили (FMEA)	4.4.1.2, 8.3.2.1, 8.5, 8.6
Ёзувларни бошқариш	7.4, 7.5	Тузатувчи ва олдини оловчи чоралар	9.2, 9.3, 10.2
Номувофиқ маҳсулотни бошқариш	8.7, 8.7.2, 10.2	Ички аудитни бошқариш	9.2, 9.3, 10.2

Тадқиқот ишида бройлер гўшти ишлаб чиқаришдан келиб чиқадиган хавфларнинг ҳар бир потенциал хавфли омили бўйича ва унинг юзага келиш эҳтимоли ҳамда оқибатларини ҳисобга олинган ҳолда таҳлил қилинган ва 1 та критик назорат нуқта (КНН) танлаб олинган:

❖ танланган критик назорат нуқта (КНН) – тайёр маҳсулотларни цехда бўлиш вақти (совутиш ва қадоқлашгача бўлган вақт)

СанПиН талаблари бўйича гўштни музлатгич (омбор)га юборишдан олдин қадоқланган маҳсулотни харорати нормал ( $20 \pm 5$  °C) бўлган цехда бўлиш вақти 30 минутдан ошмаслиги керак. Маҳсулотларни цехда бўлишининг аниқ вақтини ўрнатиш ва тасдиқлаш учун 30-40-45 минут оралиғида маҳсулотни кесиб кўриш орқали бактериоскопик тадқиқот ўтказилди ва қуйидагича кўрсаткичлар олинди (4-жадвал).

### Вақт бўйича ўтказилган бактериоскопик тадқиқот натижалар

4-жадвал


№	30 минутдан кейин микроб таначалар сони	40 минутдан кейин микроб таначалар сони	45 минутдан кейин микроб таначалар сони
1	0	2	6
2	0	2	6
3	0	3	7
4	0	3	6
5	0	2	5
6	0	5	8
7	0	4	6
8	0	3	7
9	1	5	7
10	1	4	8
<b>ЖАМИ</b>	<b>2</b>	<b>33</b>	<b>66</b>

— 30 минутдан кейин микроб таначалар сони

— 40 минутдан кейин микроб таначалар сони

— 45 минутдан кейин микроб таначалар сони


Тадқиқот натижалари асосида озиқ-овқат ишлаб чиқариш корхоналарида ISO 22000 озиқ-овқат хавфсизлиги менежмент тизимини ишлаб чиқиш, жорий этиш ва менежмент тизимини сертификатлаш бўйича жараёнлар таҳлил қилинди ҳамда алгоритм асосида блок-схема ишлаб чиқилди (7-расм).



**7-расм. ISO 22000 озиқ-овқат хавфсизлиги менежмент тизимини ишлаб чиқиш, жорий этиш ва менежмент тизимини сертификатлаш алгоритми**

Ишлаб чиқилган аудит мезонлари ҳамда алгоритм асосида тизимни такомиллаштириш, стандарт талабларини жорий этилганлик ҳолатини текшириш ва олинган натижаларни юқори раҳбариятга тез етказиш, аудит жараёни ва ҳисоботларини рақамлаштириш мақсадида учун AUDIT ISO 22000 дастурий таъминоти ишлаб чиқилди ва жорий этилди.

Корхонада озиқ-овқат хавфсизлиги менежмент тизими самарадорлигини мониторинг қилиш, унинг ташкилий тузилмаси ва ишлаб чиқариш хусусиятидан келиб чиқиб амалга оширилди. Бунда ички аудит натижалари (8-расм), қўйилган мақсадларга эришиш натижалари, истеъмолчилардан олинган маълумотлар, жараёнларнинг натижавийлик ва маҳсулотнинг мувофиқлик даражасини, тузатувчи ва олдини олувчи чораларнинг ҳолати ва юқори раҳбарият томонидан ўтказилган аввалги таҳлил натижалари бўйича қарорларнинг бажарилиши каби натижалар таҳлил қилинди.



### 8-расм. Ички аудитларда аниқланган номувофикликлар камайиши

Корхона бошқарув ва аудит тизимига ISO 22000 AUDIT дастурий таъминоти жорий этилиши натижасида корхонада брак ва йўқотишлар миқдори умумий харажатлардаги улуши дастлабки 3% дан ўртача 1 % га тушди, маҳсулот сифати ортди, меҳнат ва ижро интизими оптималлашиб, қабул қилинаётган бошқарув қарорлари оперативлиги ва натижавийлиги таъминланди (5-жадвал).

#### Тадқиқотнинг иқтисодий кўрсаткичлари

5-жадвал

Кўрсаткичлар	2020 йил	Тадқиқот натижалари (2021 йил)	Маълумот базаси
Йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш хажми, тонна	165000	170000	Корхона маълумотлари
Янги тизимни жорий қилиш харажатлари, минг сўм	-	50000	Тадқиқот, ҳисоб ишлари
Бир тонна маҳсулот ўртача нархи, минг сўм	27000	27000	Корхона маълумотлари
Аниқланган йўқотишлар улуши, %	3-4	1-2	Корхона маълумотлари ва тадқиқот, ҳисоб ишлари
Сифат бузилиши туфайли йўқотишлар, йиллик, минг сўм	165726	55242	Корхона маълумотлари
Йиллик иқтисодий самара, минг сўм		110484	Корхона маълумотлари ва тадқиқот, ҳисоб ишлари
Йиллик соф иқтисодий самара, минг сўм		60484	Корхона маълумотлари ва тадқиқот, ҳисоб ишлари

Диссертация иши натижалари асосида ишлаб чиқаришга таклифлар жорий этилди, шунингдек ишлаб чиқилган ва жорий этилган натижаларни самарадорлигини баҳолаш ишлари бажарилган.

### УМУМИЙ ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

“ISO 22000 озиқ-овқат хавфсизлиги менежмент тизими стандарти талаблари асосида маҳсулот сифатини бошқариш” мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. ISO 22000 озиқ-овқат хавфсизлиги менежмент тизимини жорий этишдаги мавжуд ҳолат ва муаммоларни таҳлил қилиш ҳамда илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш мақсадида озиқ-овқат ишлаб чиқариш корхоналарида анкета-сўровномалар ўтказилиб, таҳлил ва тадқиқотлар асосида озиқ-овқат хавфсизлиги менежмент тизимларини жорий этишнинг 2030 йилгача бўлган давр учун башоратлашнинг математик модели ишлаб чиқилди. Бунга кўра озиқ-овқат хавфсизлиги менежмент тизимларини жорий этилганлик кўрсаткич 218 та бўлиши, башоратлашнинг ишончилилик даражаси 94 % бўлиши аниқланди.

2. ISO 22000 халқаро стандарт талабларини “Andijon Broylet” МЧЖ корхонасига жорий қилиш мақсадида 13 та Ts–ташкilot стандартлари ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган Ts–ташкilot стандартлари маҳсулот сифати ва хавфсизлигини самарали бошқариш, критик назорат нуқталарни белгилаш, маҳсулот сифатини таъминлаш, назорат қилиш ҳамда ходимлар масъуллигини оширишни таъминлашга хизмат қилади.

3. Тадқиқот натижалари ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигини таъминлаш тизими талаблари асосида гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнлари, маҳсулот сифати ва хавфсизлигини таъминлашнинг комплекс модели ишлаб чиқилди.

4. Тадқиқот иши доирасида олинган натижалар бўйича ISO 22000 озиқ-овқат хавфсизлиги менежмент тизимини ишлаб чиқиш, жорий этиш ва менежмент тизимини сертификатлаш бўйича алгоритм ишлаб чиқилди.

5. “Andijon Broylet” МЧЖ корхонасида озиқ-овқат хавфсизлиги менежмент тизимини жорий этиш ва маҳсулот сифатини бошқаришда хавфларни аниқлаш, баҳолаш ва чора-тадбирларни белгилаш мақсадида «Flow chart», «КНН аниқлаш матрицаси», «НАССР» назорат режаси ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди. Натижада бройлер гўшт маҳсулотини ишлаб чиқаришда ҳарорат ва вақт режими тартибга солинди, брак ва йўқотишлар миқдори дастлабки 3% дан ўртача 1 % га тушди.

6. Менежмент тизимини жорий этишни такомиллаштириш, аудит жараёни ва ҳисоботларини рақамлаштириш, олинган натижаларни корхона юқори раҳбариятига тез етказиш, аудит жараёни ва ҳисоботларини рақамлаштириш мақсадида AUDIT ISO 22000 дастурий таъминоти ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди. Натижада аудит жараёнига сарфланган вақт 10-15 кундан 5-8 кунгача қисқарди, меҳнат сарфи 30% га камайди.

7. ISO 22000 халқаро стандарти талабларини жорий этишда тадқиқот натижалари асосида аудит ўтказиш билан боғлиқ ишлаб чиқилган ва жорий этилган дастурий таъминотни қўллаш орқали маслаҳат хизмат кўрсатувчи ташкilotлар хизматидан фойдаланилмай 50 млн. сўмдан ортиқ ҳамда нуқсон маҳсулот чиқиш даражасини камайиши ҳисобига 60 млн. сўмдан ортиқ, жами умумий ҳисобда йилига 145 млн. сўмдан ортиқ маблағ тежалишига эришилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.09.2020.Т.124.01  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ  
АНДИЖАНСКОМ МАШИНОСТРОИТЕЛЬНОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**АНДИЖАНСКИЙ МАШИНОСТРОИТЕЛЬНЫЙ ИНСТИТУТ**

**ХАМДАМОВ БАХРОМ РАИМДЖАНОВИЧ**

**УПРАВЛЕНИЕ КАЧЕСТВОМ ПРОДУКЦИИ НА ОСНОВЕ  
ТРЕБОВАНИЙ СТАНДАРТА СИСТЕМЫ МЕНЕДЖМЕНТА  
БЕЗОПАСНОСТИ ПИЩЕВЫХ ПРОДУКТОВ ISO 22000**

**05.02.04 – «Стандартизация и управление качеством продукции»**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ  
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Андижан – 2022**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2022.3.PhD/T1441**

Диссертация выполнена в Андижанском машиностроительном институте.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу [www.webandmiedu.uz](http://www.webandmiedu.uz) на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу [www.ziyo.net.uz](http://www.ziyo.net.uz).

**Научный руководитель:**

**Муминов Нажмиддин Шамсиддинович**  
доктор технических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Джумабаев Алижон Бакишевич**  
доктор технических наук, профессор

**Утаев Карим Уразович**  
кандидат технических наук, доцент

**Ведущая организация:**

**Ташкентский государственный  
технический университет**

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 года в \_\_\_\_ часов на заседании Научного совета PhD.03/30.09.2020.T.124.01 при Андижанском машиностроительном институте по адресу: 170119, г. Андижан, просп. Бобура, 56. Тел: (99874) 223-47-18; факс: (99874) 223-43-67; e-mail: info@andmiedu.uz;).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Андижанского машиностроительного института (зарегистрировано за №\_\_. Адрес 170119, г. Андижан, просп. Бобура, 56. Тел:(99891) 612-30-06; факс:(99874) 223-43-67; e-mail: andmi-arm@umail.uz.

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 года.  
(реестр протокола рассылки №\_\_ от «\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 года).

**У.М. Турдалиев**

Председатель научного совета по присуждению  
учёных степеней доктор технических наук.

**Х.У. Акбаров**

Ученый секретарь научного совета по присуждению  
учёных степеней, кандидат технических наук, доцент.

**К.З. Касимов**

Председатель научного семинара при научном  
совете по присуждению учёных степеней,  
доктор технических наук, профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В современном мире обеспечение населения продуктами питания, достижение качества и безопасности продуктов питания на уровне мировых стандартов является одним из наиболее актуальных и важных вопросов. «Каждый год во всем мире производство и потребление вредных для здоровья и опасных продуктов питания приводит к возникновению 600 млн. инфекционных заболеваний и становится причиной смерти более 420 000 человек. В связи с тем, что, из-за некачественных и опасных пищевых продуктов, 30 % человеческих смертей приходится на детей в возрасте до 5 лет»<sup>3</sup>, возникает необходимость внедрения системы менеджмента безопасности пищевых продуктов на всех этапах производства пищевых продуктов, по принципу «из поля до стола» с целью обеспечения их качества и безопасности. В связи с этим изучение проблем современного состояния внедрения системы менеджмента безопасности пищевых продуктов, её анализ и разработка наиболее оптимальных рекомендаций по внедрению системы менеджмента, представленные в диссертационной работе, считается наиболее актуальной.

Во всем мире проводятся научно-исследовательские работы, направленные на изучение проблем и решений по эффективной организации деятельности предприятий по производству продуктов питания, установлению оценки качества и безопасности пищевых продуктов на основе требований международных стандартов, внедрению систем менеджмента безопасности пищевых продуктов. При этом особое внимание уделяется проблеме повышения продуктивности разработок, обеспечения качества и безопасности продукции, путям снижения негативных факторов, влияющих на качество и безопасность продукции, разработке наиболее приемлимых решений исходя из возможностей и условий внедрения требований стандартов ISO 22000 в сферах производства продуктов питания, переработки сельскохозяйственной продукции, упаковки, общественного питания и улучшения качества продуктов питания, а также производства различного оборудования и оборудования для пищевой промышленности.

В нашей республике реализуются комплексные меры по разработке качественных и безопасных продуктов питания, внедрению систем менеджмента качества в производство, и тем самым расширяются масштабы и география экспорта продукции, и достигаются определенные результаты. В стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы, в том числе, определены необходимые задачи по «...обеспечению бесперебойного и беспроблемного экспорта продукции в зарубежные страны путём широкого внедрения международных сертификатов и стандартов (Global G.A.P, Organic, HACCP и др.) для производителей продукции...»<sup>4</sup>. При реализации этих задач важно внедрить международные

---

<sup>1</sup> <https://www.who.int/activities/estimating-the-burden-of-foodborne-diseases>

<sup>2</sup> Указ президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № ПФ-60

стандарты ISO 22000, основанные на принципах анализа рисков и критических контрольных точек (НАССР-Hazards Analysis and Critical Control Points) на предприятиях, участвующих в производственной системе пищевой промышленности.

